



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ПРЕЗИДЕНТ, ИЖОД ВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ**

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг иккинчи, биринчи ва олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш бўйича аттестация комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2019 йил 13 майдаги 392-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси **қарор қилади:**

1. Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг (кейинги ўринларда - мактаблар) иккинчи, биринчи ва олий малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш бўйича аттестация комиссияси таркиби (кейинги ўринларда - аттестация комиссияси) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Аттестация комиссиясига:

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифаларига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

аттестациядан ўтган иккинчи, биринчи ва олий малака тоифаларидаги педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига (кейинги ўринларда - Давлат инспекцияси) буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш вазифалари юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг Селекция ва педагоглар малакасини ошириш бўлими бошлиғи (Г.Абдусаломова)га иккинчи малака тоифасига даъвогар педагог кадрларнинг малака (тест) синовлари назорат материалларини кўп вариантлилиқ асосида, махфийлигини таъминлаган ҳолда тайёрлаш ҳамда синовларнинг шаффоф ва адолатли ўтказилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

4. Агентлик тасарруфидаги мактаб директорларига:

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш (дарс ўтиш маҳорати, меҳнат самарадорлиги) учун таълим муассасаларида эксперт гуруҳлари таркибини тузиш;

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларни ўқув фани бўйича малака синовида иштирок этишларини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 392-сон қарори билан тасдиқланган Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2019 йил 16 сентябрда 3182-сон билан рўйхатдан ўтган Педагог кадрларининг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари ҳамда мазкур қарор билан аттестациядан ўтувчи ҳар бир педагог кадрларни таништириш вазифалари юклатилсин.

5. Давлат инспекциясининг Таълим сифатини мониторинг қилиш бош бошқармаси бошлиғи (А.Махмудов), Педагог кадрлар сифати назорати, таълим ҳужжатларини легаллаштириш, тан олиш ва нострификация қилиш бош бошқармаси бошлиғи (А.Носиров)га:

олий ва биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар учун тест материалларини кўп вариантлилиқ асосида шакллантириш ва ўқув фани бўйича малака тест синовларини ўтказиш;

аттестация комиссияси қарорига кўра иккинчи, биринчи ва олий малака тоифаларини эгаллаган педагог кадрлар учун сертификатларга буюртманомалар қабул қилиш ва сертификатларни тарқатиш вазифалари юклатилсин.

6. Мактаб директорлари, Агентлик ва Давлат инспекцияси ходимлари аттестациянинг шаффоф, адолатли ва сифатли ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, коррупцияга йўл қўймаслик учун шахсий жавобгарлик олиб боришлари инобатга олинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Н.Файзибаева ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ҳ.Кетмоновлар зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод
ва ихтисослаштирилган мактабларни
ривожлантириш агентлиги директори



С.Бабаходжаев

Тошкент ш.,
2020 йил "28" февраль
19 -сон

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Таълим сифатини назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғи




У.Ғацкенбаев

Тошкент ш.,
2020 йил "28" февраль
9 -сон


Кирилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Президент, ижод ва
ихтисослаштирилган мактабларни
ривожлантириш агентлиги директорининг
биринчи ўринбосари


Н.Файзибаева

Келишилди:


Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим
сифатини назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлигининг биринчи
ўринбосари


Х.Кетмонов


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Президент, ижод ва
ихтисослаштирилган мактабларни
ривожлантириш агентлигининг Селекция ва
педагоглар малакасини ошириш бўлими
бошлиғи


Г.Абдусаламова


Педагог кадрлар сифати назорати, таълим
хужжатларини легаллаштириш, тан олиш
ва нострификация қилиш бош бошқармаси
бошлиғи


А.Носиров


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Президент, ижод ва
ихтисослаштирилган мактабларни
ривожлантириш агентлигининг
Ихтисослаштирилган мактаблар билан ишлаш
бўлими бошлиғи


Х.Самандаров


Давлат инспекциясининг Таълим сифатини
мониторинг қилиш бош бошқармаси
бошлиғи


А.Махмудов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Президент, ижод ва
ихтисослаштирилган мактабларни
ривожлантириш агентлигининг Ижод мактаблар
билан ишлаш бўлими бошлиғи


С.Қодиров

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим
сифатини назорат қилиш давлат
инспекцияси Юридик бюро бошлиғи


С.Миразимов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Президент, ижод ва
ихтисослаштирилган мактабларни
ривожлантириш агентлигининг юридик бўлими


Лавозимга кўра

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Президент, ижод ва
ихтисослаштирилган мактабларни
ривожлантириш агентлиги ҳамда Вазирлар
Маҳкамаси хузуридаги таълим сифатини
назорат қилиш давлат инспекциясининг
2020 йил “28” *февраль* даги
“ 19 ” “ 9 ” сонли қарорига
ИЛОВА

**Президент, ижод ва иختисослаштирилган мактабларнинг иккинчи, биринчи ва олий
малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш бўйича
аттестация комиссияси
ТАРКИБИ**

№	Ф.И.Ш.	Лавозими
1.	Н.Файзибаева	— Директорнинг биринчи ўринбосари, <i>комиссия раиси</i>
2.	А.Насиров	— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Педагог кадрлар сифати назорати, таълим ҳужжатларини легаллаштириш, тан олиш ва нострификация қилиш бош бошқармаси бошлиғи, <i>комиссия раиси ўринбосари</i>
3.	Г.Абдусаломова	— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Президент, ижод ва иختисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг Селекция ва педагоглар малакасини ошириш бўлими бошлиғи, <i>комиссия котиби</i>
4.	Х.Самандаров	— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Президент, ижод ва иختисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг Иختисослаштирилган мактаблар билан ишлаш бўлими бошлиғи, <i>аъзо</i>
5.	С.Қодиров	— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Президент, ижод ва иختисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг Ижод мактаблар билан ишлаш бўлими бошлиғи, <i>аъзо</i>
6.	Н.Таджиева	— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Президент, ижод ва иختисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг Селекция ва педагоглар малакасини ошириш бўлими бош мутахассиси, <i>аъзо</i>
7.	З.Ким	— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Президент, ижод ва иختисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг Селекция ва педагоглар малакасини ошириш бўлими етакчи мутахассиси, <i>аъзо</i>
8.	Ф.Валиева	— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Президент, ижод ва иختисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг касаба уюшмаси раиси, <i>аъзо</i>
9.	М.Расулова	— Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга иختисослаштирилган мактаб биринчи тоифали кимё фани ўқитувчиси, <i>аъзо</i>

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига кўрсатилган лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли функцияларни бажариши зиммасига юкланган шахслар киритилади.